

**ПЕДАГОГИК КОРРЕКЦИЯЛАШУСУЛЛАРИ: ХОРИЖИЙ ИЛҒОР
ТАЖРИБА**

Тўқбоева Дилиода Зайниевна,

Навоий Давлат Университети, Психология

кафедраси, катта ўқитувчи

E-mail: tuqboyevad@gmail.com.

Моб.тел.: (+998) 934394627

АННОТАЦИЯ:

Кириш маълумотлари/долзарблиги. Педагогик коррекцияни таъкил этилишида коррекция мақсадларидан келиб чиққан ҳолда умумий ва махсус методлари танланади. Бунда методларни яхши ёки ёмон методларга ажратиш нотўғри бўлар эди. Тарбиявий таъсирнинг самарадорлиги қатор омилларга ва педагогик талабларни бажарилишига, методларни танлаш ва улардан фойдаланиш мантизига ҳамда уларни амалда қўллаш кетма-кетлигига боғлиқ. Коррекция методларини танлашга мантиқий ёндашиб муаммонинг мазмуни, коррекциянинг мақсади, ўқувчиларнинг характерологик хусусиятларини, мавжуд моддий-техник база ва коррекцион таъсир объектларининг ижтимоий муҳити ҳисобга олиниши зарур.

Методлар. Ўқувчи-ёшларни педагогик коррекциялаш методлари ва уларни амалиётда қўллашга оид хорижий илмий адабиётлар, диссертациялар ва мақолалар таҳлили.

Натижалар. Ривожланган хорижий давлатларда ўрта умумий таълим мактабларида педагогик коррекциялаш тадбирларини амалга оширишда қўлланиладиган методлар, энг аввало, ўқувчи-ёшлар ўзларини шахс сифатида англашларига, ўзи-ўзини хулқ-атворини назорат қилиши ва бошқариш орқали хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворидаги мавжуд салбий стереотипларнинг пайдо бўлиш манбаларини аниқлашга ва ижобий эмоционал реакция турларини кўпайтириш чораларини кўришга йўналтирилган рефлексияни ривожлантиришга қаратилган. Педагогик коррекциялаш методлари эмоциоген вазиятларда салбий ҳис-туйғулар билан ишлаш алгоритмлари ёрдамида вазиятни баҳолаш ва салбий ҳис-туйғулар манбаини аниқлаш орқали ўзи-ўзини бошқариш жараёнини таъкил этишни рефлексиялашга асосланган.

Хулосалар. Коррекциялаш фаолиятини ўқувчи хатти-ҳаракатларида салбий стереотипларнинг пайдо бўлиш манбаларини аниқлашга ва ижобий эмоционал реакция турларини кўпайтириш чораларини кўришга ёрдам берадиган рефлексияни ривожлантиришга йўналтирилиши унда фаоллик, гайратлилик ва қизиқувчанлик фазилатлари шаклланишига ҳамда ўз хулқ-

атворини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларни режаслаштирилган мақсад билан таққослаш қобилиятларини ривожланишига ёрдам беради.

Таянч сўзлар: ўқувчи-ёшлар, хулқ-атвор, педагогик коррекция, коррекциялаш усули, рефлексия.

КИРИШ(Introduction). Хозирги кунда ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ижодий иқтидори ва қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб ўқувчиларининг шахсий самарадорлигини ошириш ва маънавий қиёфасини коррекциялаш йуллари, воситалари, шакл, усул ва технологиялари ишлаб чиқилган бўлиб, бу билимларни таълим тизими амалиётига жорий этиш хозирги кунда ўз долзарблигини йўқотмаган. Чунки ёшларда миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга қадриятли муносабатни тарбиялаш, маънавий маданият, ватанпарварлик, миллий ўзлиқни англаш туйғуларини шакллантириш ўрта умумтаълим мактаблари олдида турган ва ўз ечимини кутаётган муҳим муаммолардандир.

Ўзбекистонда янгича таълимни шакллантириш ва халқаро таълим муҳитини яратиш масаласи республикамиз Раҳбари томонидан имзоланган бир қатор директив ҳужжатларда ўз аксини топган. Мазкур ҳужжатларда соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларини жалб қилиш¹, ўқитиш усуликаларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш² масалаларига алоҳида урғу берилган. Бу эса, ўз навбатида, педагог ва мутахассисларнинг касбий компетентлигини ошириш³ мақсадида соҳага оид илғор педагогик тажрибаларни ўрганиб коррекциялашнинг замонавий усуллари амалиётга жорий этишни тақозо қилади.

Таълим муассасаларида амалга ошириладиган педагогик коррекциялаш фаолияти таълим олувчиларнинг таълим олганлик ва тарбияланганлик даражаларини аниқлаб ва таҳлил қилиб, оптимал режимларлар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ҳамда ижтимоийлашув жараёнига салбий таъсир этувчи омилларни тузатишга мақсадли йўналтирилган фаолият ҳисобланади.⁴

МЕТОДЛАР(Methods). Ўрта умумтаълим мактабларида педагогик коррекциялаш ишининг натижадорлиги, кўп жиҳатдан, коррекциялаш усуллари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сон қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони.

³ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. –Тошкент: «Ўзбекистан», 2017. – Б.163.

⁴ Тўқбоева Д.З. Педагогик коррекциянинг умумий асослари (ўқув қўлланма). – Навоий: НавДПИ, 2021. – 164 б. (11-бет)

ва воситаларини ўринли ҳамда белгиланган талаблар даражасида қўлланилишига боғлиқ.

Педагогик коррекция жараёнида педагогика, нейропедагогика, психология ва социологияда қўлланиладиган таълим ва тарбия усулларига таянилади. Коррекциялаш самарадорлиги усулларни тўғри танлаш ва улардан ўринли фойдаланишга боғлиқ. Шунинг учун, одатда, мактаб ўқувчиларини педагогик коррекциялашда коррекция мақсадларидан келиб чиқиб умумий ва махсус усуллар қўлланилади.

Педагогик коррекция усуллари ўқувчиларнинг ёш, психофизиологик ҳамда нейропсихологик хусусиятлари ва ижтимоий муҳитининг ўзига хосликларини ҳисобга олиб танланади. Коррекция усулларини танлашга мантикий ёндашиб муаммонинг мазмуни, коррекциянинг мақсади, ўқувчиларнинг характерологик хусусиятларини, мавжуд моддий-техник база ва коррекцион таъсир объектларининг ижтимоий муҳити ҳисобга олиниши зарур.⁵

Коррекция усулларини танлашга бундай ёндашув ўқувчининг ижтимоийлашувида ва ўқув адаптациясида ёрдам бериб, шахсий фаолияти самарадорлигини ошириши ва ижобий ижтимоий тажриба тўплашига ёрдам беради.

Хозирги вақтда ўрта умумий таълим мактабларида ўқувчиларни педагогик коррекциялашда умумтарбиявий ва махсус усуллар қўлланиб келаётган бўлиб, улар педагогик коррекцияга оид ўқув қўлланмалар ва дарсликларда тўлиқ акс эттирилган⁶.

Биз ушбу мақолада хорижий давлатларнинг ўрта умумий таълим муассасалари ўқувчи-ёшларини коррекциялашда қўлланиладиган усулларни ва уларни амалиётда қўллаш механизмларини ўрганиб чиқдик.

НАТИЖА(Results). Илғор педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар (Т.П.Барина, В.Н.Казакова, С.В.Карюкина, М.Г.Звягин ва Е.Е.Метельская) ўз педагогик фаолиятларида саломатлиги туфайли имкониятлари чекланган ўқувчиларга таълим-тарбия беришда боланинг индивидуал траекториясини лойиҳалаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратганлар. Бундай ўқувчилар билан педагогик фаолиятни ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар боланинг саломатлигидаги тиббий чекловлар билан бирга, ўқув машғулоти учун ажратилган соатлар ҳажмининг камлиги билан ҳам боғлиқ. Шундай

⁵ Гулямов Д.Р. Тарбиявий-коррекцион фаолиятни ташкил этиш жиҳатлари/“Педагогик таълим” журналы, 2013. № 6. -Б, 41-52

⁶ Гулямов Дж.Р., Муродова Д. ва бошқ. Педагогик диагностика ва коррекция: дарслик. -Навоий: ФА НБ, НавДПИ, 2022.; Гулямов Дж.Р. Аминова Ф.Х., Умаров С.Б., Нурбоев Қ.М. Педагогик диагностика: ўқув қўлланма. -Навоий: ФА НБ, НавДПИ, 2021. -133 б; Гулямов Дж.Р. Муродова Д.Д., Нумонова Д.У. Педагогик коррекция: ўқув қўлланма. -Навоий: ФА НБ, НавДПИ, 2021 Тўқбоева Д.З. Педагогик коррекциянинг умумий асослари (ўқув қўлланма). – Навоий: НавДПИ, 2021. – 164 б.

мураккаб вазиятда оптимал ўқув режасини тузиш – муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлади. Боланинг индивидуал траекториясини лойиҳалаштириш методикасининг асосий таркибий қисмлари сифатида қуйидагилар белгиланган: 1) боланинг таълим олиш имкониятлари харитаси; 2) болани индивидуал кузатиш режаси; 3) индивидуал ўқув режаси; 4) ўқув машғулотлари жадвали ва 5) рефлексия.⁷

В.И.Долгова ҳаммуаллифликда олиб борган илмий тадқиқотда мактаб ўқувчиларида кузатиладиган безовталикни педагогик-психологик коррекция қилиш йўллари ҳавола қилинган. Бунда, коррекцион фаолиятнинг ҳамда ўзини баҳолашнинг муҳим таркибий қисми сифатида ўқувчиларнинг ўзлари хулқ-атворнинг самарали моделларини ишлаб чиқишлари ҳисобланади. Янги ва ностандарт вазиятларнинг мазмуни, шарт-шароитларини тушунтириш, содир бўлиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари билан ўқувчиларни таништириш – коррекциялашнинг моҳиятини ташкил этган. Масалан, ўқувчилар имтиҳон топшириш жараёнларини машқ қилишлари шундай вазиятлар қаторига киради.⁸

Коррекциялаш мумкин қадар қисқа вақт давомида ўқувчидаги муаммонибартараф этишга йўналган бўлиши керак. Бироқ, аксарият ҳолларда бундай тадбирларга нисбатан узоқ вақт сарфланади.⁹

Ўқувчи-ёшларда самарали хулқ-атвори ривожлантириш учун коррекциялаш тадбирларини амалга оширишда D.Tripp, T.S.Farrell ва M.L.Griffin “Фикрлаш фокуси: критик вазият” усулини, Н.Machost “Қурилиш майдончалари” ҳамда B.Greiman, J.E.Dyment ва T.S.O'Connell “Рефлексив иншо” усулларини, C.R.Rayford, A.Costa ва R.Garmston “Когнитив коучинг усулини таклиф қилганлар. Қуйида номи келтирилган коррекциялаш усулларини кўриб чиқамиз.

“Фикрлаш фокуси: критик вазият” усулини D.Tripp коррекциялаш амалиётида ўқувчиларда дастлабки оптимал ҳолатини юзага келтириш ёки оптимал ҳолатни чуқурроқ англашларида кўмаклашиш мақсадида қўллашни тавсия қилган.¹⁰

⁷Баринаова Т.П., Казакова В.Н., Карюкина С.В., Звягин М.Г., Метельская Е.Е. Индивидуализация образовательных траекторий средствами школьной системы дистанционного обучения / Санкт-Петербургский образовательный вестник. –С.55-58 / <https://cyberleninka.ru/article/n/individualizatsiya-obrazovatelnyh-traektoriy-sredstvami-shkolnoy-sistemy-distantsionnogo-obucheniya>

⁸Долгова В. И., Барышникова Е. В., Саркисян М. С. Психолого-педагогическая коррекция ситуативной тревожности у детей младшего школьного возраста // Научно-методич. эл. журнал «Концепт». –2015. –Т. 31. –С.101–105. –URL: <http://e-koncept.ru/2015/95527.htm>

⁹Немов Р.С. Психология: Учеб. для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3 кн. –4-е изд. –М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. –Кн. 3: Психодиагностика. Введение в научное психологическое исследование с элементами математической статистики. – 640 с.

¹⁰ Tripp, D. (2011). Critical incidents in teaching (classic edition): Developing professional judgement. London, England: Routledge. Google Scholar.

T.S.Farrell берган таърифга кўра, критик вазиятлар предмети –хусусий вазиятлар бўлиб, таълим-тарбия жараёнидаги хатоликларни аниқлаш ҳамда уни янги ёндашувлар билан бойитишга ёрдам бериши мумкин бўлган режасиз воқеалар муҳокамасидир. Бу воқеалар ўқувчилар томонидан ўқув материалларини нотўғри тушунишдан тортиб, уларни маданий келиб чиқиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўз ичига олган маълумотлар тўпламини таҳлил қилишда қандай ҳаракат қилишлари кераклиги тўғрисидаги ҳолатларни ҳам қамраб олиши мумкин.¹¹

Мазкур усулни қўллашда фойдаланиладиган критиквазиятлар инсон ҳаракатларида мавжуд бўлган ҳар қандай келишмовчиликни аниқлаб, ўқувчилар фаолияти учун тизимли бўлиши мумкин бўлган ижтимоий, ахлоқий, педагогик ва ҳатто сиёсий масалаларни ҳал қилишга имкон беради, деб ҳисоблайди Н.Machost.¹²

M.L.Griffin “Фикрлаш фокуси: критик вазият” методи бўлажак ўқитувчиларнинг чуқурлик ва таркибга асосланган моделлар доирасида танқидий фикрлашларига ҳисса қўшади, деб хулоса қилган.¹³

“Қурилиш майдончалари” методивоситасида коррекциялаш жараёнининг тузилмаси шакллантириш вазифасини амалга оширилади. Адабиётларда ушбу методнинг бир нечта моделлари мавжуд бўлиб, Н.Machost педагогик коррекциялаш ҳар бир ўқувчи учун табиатан шахсий бўлгани сабабли, амалиётда ўқувчиларнинг индивидуаллигини эътиборга олиб энг маъқул бўлган моделни қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.¹⁴

J.Bain коррекциялаш амалиётини бошлашдан олдин ўқувчиларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва маънавий рағбатлантиришдан бошлаб, қуйидаги беш босқичда амалга оширишни таклиф қилади:¹⁵

1. Ахборот – маълум бир тажрибани ва уни ўраб турган контекстуал омилларни ҳисобга олинади.

2. Реакция – ўқувчилар алоҳида вазиятга жавобан ўзларининг ҳис-туйғу, фикр, кечинма ва бошқа реакцияларини оғзаки ифодалалайдилар.

3. Муносабатлар – ўқувчилар томонидан яқин вақтда содир бўлган воқеалар ҳамда бу воқеаларни уларнинг ҳулқ-атвори, характерининг ўзига ҳосликлари ўртасида алоқа ўрнатилиши билан таърифланади.

¹¹ Farrell, T. S. (2008). Critical incidents in ELT initial teacher training. *ELT Journal*, 62(1), 3–10. Google Scholar

¹² Machost H. and Stains M. (2023). *Reflective Practices in Education: A Primer for Practitioners*. CBE – Life Sciences Education Vol. 22, No. 2. Published Online: 27 Mar 2023. <https://doi.org/10.1187/cbe.22-07-0148>

¹³ Griffin, M. L. (2003). Using critical incidents to promote and assess reflective thinking in preservice teachers. *Reflective Practice*, 4(2), 207–220. Google Scholar

¹⁴ Machost H. and Stains M. (2023). *Reflective Practices in Education: A Primer for Practitioners*. CBE – Life Sciences Education Vol. 22, No. 2. Published Online: 27 Mar 2023. <https://doi.org/10.1187/cbe.22-07-0148>

¹⁵ Bain, J., Ballantyne, R., Mills, C., & Lester, N. (2002). *Reflecting on practice: Student teachers' perspectives*. Flaxton, QLD, Australia: Post Pressed. Google Scholar

4. Мулоҳаза юритиш – ўқувчилар нима учун маълум бир натижага эришилганликлари ёки натижа кузатилганлигини тушунишга ҳаракат қилиб, ўзлари муҳим деб ҳисоблаган асосий омилларни кўриб чиқишларига ундайди.

5. Тавсиялар – ўқувчиларнинг мулоҳазалари натижаларидан келиб чиқиб келажакда қўлланиладиган хулқ-атвор сценарийлари ёки бошқа натижаларни тарғиб қилишда фойдаланилади.

B.Greiman коррекциялаш усуллари ичида “Рефлексив иншо” усулини ўқувчиларнинг шахси, эмоционал ҳолати, ўқув фаолияти ва ижтимоий муносабатлари, режалари билан боғлиқ бўлган кечинмаларига турли шарҳ ва нуқтаи-назарларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда энг кўп қўлланиладиган оддий ва шу билан бирга самарали усул, деб ҳисоблайди.¹⁶

J.E.Dyment ва T.S.O'Connell “Рефлексив иншо” усулидан ўқувчиларни коррекциялашда самарали фойдаланиш учун фақат рефлексив кундаликда ёки портфолиода ёзиш билан чекланмаслиги керак, деб ҳисоблайдилар. Чунки бундай чеклов коррекциялашнинг турли шакллари амалиётда қўллаш истагидан воз кечишларига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирадилар.¹⁷

York-Barr ўқувчи ўз шахсий фаолияти самарадорлигини қандай қилиб ошириши мумкинлиги ҳақида ўйласа – мақсадли ривожланишни бошлайди. Вақт ўтиши билан ўқувчи “Рефлексив иншо” ёзиб борган портфолиосида ўзининг ўсиш траекториясини кўриши мумкинлигини таъкидлаган.¹⁸

H.Machost “Рефлексив иншо” усули коррекциялашда фикр-мулоҳазалар жараёнини осонлаштириши учун асосий эътибор қаратиладиган вазиятларни “акс алоқа” ёрдамида олдиндан кўриб чиқишни тавсия қилади. Машғулот жараёнида асосий масала таҳлил қилинган, мавжуд муаммонинг бошқа жиҳатларини ўзаро муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайди.¹⁹

A.Costa ва R.Garmston шахсда самарали хулқ-атворни ривожлантириш учун “Когнитив коучинг” усулидан фойдаланишни таклиф қилган (18-22-бетлар).²⁰ Қуйида ушбу усулни амалиётда қўллаш босқичларининг қисқача тавсифини ҳавола қилганмиз:

¹⁶ Greiman, B., & Covington, H. (2007). Reflective thinking and journal writing: Examining student teachers' perceptions of preferred reflective modality, journal writing outcomes, and journal structure. *Career and Technical Education*

¹⁷ Dyment, J. E., & O'Connell, T. S. (2014). When the ink runs dry: Implications for theory and practice when educators stop keeping reflective journals. *Innovative Higher*

¹⁸ York-Barr, J., Sommers, W.A., Ghere, G.S., & Montie, J. (2001). Reflective practice to improve schools: An action guide for educators. Thousand Oaks, CA: Corwin Press, Inc.

¹⁹ Machost H. and Stains M. (2023). Reflective Practices in Education: A Primer for Practitioners. CBE – Life Sciences Education Vol. 22, No. 2. Published Online: 27 Mar 2023. <https://doi.org/10.1187/cbe.22-07-0148>

²⁰ Costa, A., & Garmston, R. (2002). Cognitive coaching: A foundation for renaissance schools. Norwood, MA: Christopher-Gordon.

1. Режалаштириш – бу ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ишонч пойдеворини яратиш. Ўқитувчи талабалар билан ўқув жараёнидаги ўз хатти-ҳаракатларига асосланган кузатиш мақсадларини муҳокама қилади. Ўқитувчи такомиллаштириш учун, агар керак бўлса, дарснинг батафсил режасини тақдим этади. Бундан ташқари, рефлексияловчи конференция параметрлари ва маълумотларни йиғиш тартиби келишиб олинади.

2. Тайёргарлик – муҳокама қилиниши режалаштирилган хатти-ҳаракатлар тўғрисида маълумотлар кузатилади ва тўпланади.

3. Рефлексив муҳокама – маълум вақтдан сўнг ўтказилади. Бу талабаларга дарсни рефлексия ва таҳлил қилиш, ўқитувчига – маълумотларни тартибга солиб уларга чуқурроқ маъно бериш ва улар орқали назорат саволларини режалаштириш имкониятини беради.

Муҳокама давомида ўқувчилар коррекциялаш машғулотини ҳақидаги таассуротлари юзасидан фикр алмашадилар, мақсад ва ҳуқ-атворларини таққослаб келажакдаги режаларини муҳокама қиладилар, шунингдек, умумий коучинг тажрибаси тўғрисида шахсий фикрларини билдирадилар. (31-б)²¹

МУНОЗАРА (Discussion). Ривожланган хорижий давлатларда ўқувчи-ёшларни педагогик коррекциялаш методлари, энг аввало, шахс ўзи-ўзини англаши ва ҳуқ-атворини назорат қилиши орқали хатти-ҳаракатларида салбий стереотипларнинг пайдо бўлиш манбаларини аниқлашга ва ижобий эмоционал реакция турларини кўпайтириш чораларини кўришга ёрдам берадиган рефлексияни ривожлантиришга қаратилган.

Кўрилган методларнинг таъсир механизми – эмоциоген вазиятларда салбий ҳис-туйғулар билан ишлаш алгоритмлари ёрдамида вазиятни баҳолаш ва салбий ҳис-туйғулар манбаини аниқлаш орқали ўзи-ўзини бошқариш жараёнини ташкил этишни рефлексиялашдан иборат. Шундан сўнг, инсон ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солиш қобилиятига эга бўлганлиги туфайли, эмоция маданий тарзда ифодаланади ёки нисбатан камроқ зарар етказадиган бошқа эмоцияга айланади. Коррекциялаш натижаси тарбиячи-педагог ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот услуби ва педагогик таъсир этиш воситаларига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Педагогик жараёнда ўқувчининг фаолият субъекти сифатида иштирок этиши, ўзаро ҳамкорликдаги самарали фаолият ҳамда интерфаол таълим муҳитининг йўлга қўйилиши уларни эркин фикрлаши, мустақиллик ва ижодкорлик сифатларининг ривожланишига хизмат қилади.

ХУЛОСА (Conclusion) Ўқувчиларнинг шахсий фаолияти самарадорлигини ошириш муаммосининг назарий жиҳатдан англаниши бугунги

²¹ Rayford, Celes Raene, "Reflective practice: The teacher in the mirror" (2010). UNLV Theses, Dissertations, Professional Papers, and Capstones. 5. <http://dx.doi.org/10.34870/1348529>

кунда жадал суръатлар билан амалга ошмоқда. Анъанавий нуқтаи-назардан педагогик коррекциялаш методларининг мазмуни ўқувчиларда ахлоқийлик ва меҳнатсеварликни тарбиялаш, ижтимоий фаолликни ошириш, соғлом фикр юритиш, тафаккур тарзининг ижобий йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Коррекциялаш фаолиятини ўқувчи хатти-ҳаракатларида салбий стереотипларнинг пайдо бўлиш манбаларини аниқлашга ва ижобий эмоционал реакция турларини кўпайтириш чораларини кўришга ёрдам берадиган рефлексияни ривожлантиришга йўналтирилиши унда фаоллик, ғайратлилик ва қизиқувчанлик фазилатлари шаклланишига ҳамда ўз хулқ-атворини таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларни режалаштирилган мақсад билан таққослаш қобилиятларини ривожланишига ёрдам беради.

Замонавий шароитда амалга оширилаётган тадқиқотларда педагогик коррекция методлари ўзи-ўзини англаш, назорат қилиш ва бошқариш кўникмаларини ривожлантириш орқали салбий ҳиссий кечинмаларни назорат қилиш, ўз саломатлигини таъминлаш ва, охир оқибатда, шахсий фаолият самарадорлигини ошириш масаласи инсондарефлексив кўникмаларни ривожлантириш билан боғлиқликда кўрилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: «Ўзбекистан», 2017.
4. Гулямов Д.Р. Тарбиявий-коррекцион фаолиятни ташкил этиш жиҳатлари / «Педагогик таълим» журнали, 2013. № 6. -Б, 41-52
5. Гулямов Дж.Р. Аминова Ф.Х., Умаров С.Б., Нурбоев Қ.М. Педагогик диагностика: ўқув қўлланма. -Навоий: ФА НБ, НавДПИ, 2021. -133 б;
6. Гулямов Дж.Р. Муродова Д.Д., Нумонова Д.У. Педагогик коррекция: ўқув қўлланма. -Навоий: ФА НБ, НавДПИ, 2021.
7. Гулямов Дж.Р., Муродова Д. ва бошқ. Педагогик диагностика ва коррекция: дарслик. -Навоий: ФА НБ, НавДПИ, 2022.
8. Долгова В. И., Барышникова Е. В., Саркисян М. С. Психолого-педагогическая коррекция ситуативной тревожности у детей младшего школьного возраста // Научно-методич. эл. журнал «Концепт». –2015. –Т. 31. –С.101–105. –URL: <http://e-koncept.ru/2015/95527.htm>
9. Немов Р.С. Психология: Учеб. для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3 кн. –4-е изд. –М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. –Кн. 3:

- Психодиагностика. Введение в научное психологическое исследование с элементами математической статистики. – 640 с.
10. Тўқбоева Д.З. Педагогик коррекциянинг умумий асослари (ўқув қўлланма). – Навоий: НавДПИ, 2021. – 164 б.
 11. Bain, J., Ballantyne, R., Mills, C., & Lester, N. (2002). Reflecting on practice: Student teachers' perspectives. Flaxton, QLD, Australia: Post Pressed. Google Scholar
 12. Costa, A., & Garmston, R. (2002). Cognitive coaching: A foundation for renaissance schools. Norwood, MA: Christopher-Gordon.
 13. Dymont, J. E., & O'Connell, T. S. (2014). When the ink runs dry: Implications for theory and practice when educators stop keeping reflective journals. Innovative Higher
 14. Farrell, T. S. (2008). Critical incidents in ELT initial teacher training. ELT Journal, 62(1), 3–10. Google Scholar
 15. Greiman, B., & Covington, H. (2007). Reflective thinking and journal writing: Examining student teachers; perceptions of preferred reflective modality, journal writing outcomes, and journal structure. Career and Technical Education
 16. Griffin, M. L. (2003). Using critical incidents to promote and assess reflective thinking in preservice teachers. Reflective Practice, 4(2), 207–220. Google Scholar
 17. Machost H. and Stains M. (2023). Reflective Practices in Education: A Primer for Practitioners. CBE – Life Sciences Education Vol. 22, No. 2. Published Online: 27 Mar 2023. [https:// doi.org/10.1187/cbe.22-07-0148](https://doi.org/10.1187/cbe.22-07-0148)
 18. Machost H. and Stains M. (2023). Reflective Practices in Education: A Primer for Practitioners. CBE – Life Sciences Education Vol. 22, No. 2. Published Online: 27 Mar 2023. [https:// doi.org/10.1187/cbe.22-07-0148](https://doi.org/10.1187/cbe.22-07-0148)
 19. Machost H. and Stains M. (2023). Reflective Practices in Education: A Primer for Practitioners. CBE – Life Sciences Education Vol. 22, No. 2. Published Online: 27 Mar 2023. [https:// doi.org/10.1187/cbe.22-07-0148](https://doi.org/10.1187/cbe.22-07-0148)
 20. Rayford, Celes Raene, "Reflective practice: The teacher in the mirror" (2010). UNLV Theses, Dissertations, Professional Papers, and Capstones. 5. <http://dx.doi.org/10.34870/1348529>
 21. Tripp, D. (2011). Critical incidents in teaching (classic edition): Developing professional judgement. London, England: Routledge. Google Scholar.
 22. York-Barr, J., Sommers, W.A., Ghere, G.S., & Montie, J. (2001). Reflective practice to improve schools: An action guide for educators. Thousand Oaks, CA: Corwin Press, Inc.
 23. Баринова Т.П., Казакова В.Н., Карюкина С.В., Звягин М.Г., Метельская Е.Е. Индивидуализация образовательных траекторий средствами школьной системы дистанционного обучения / Санкт-Петербургский образовательный вестник. –С.55-58 / <https://cyberleninka.ru/article/n/individualizatsiya-obrazovatelnyh-traektoriy-sredstvami-shkolnoy-sistemy-distantsionnogo-obucheniya>